



"1946 йилда Адолф Гитлернинг ишончли одами Ханс Франк фюрернинг бобоси яхудий бўлганлигини айтганидан сўнг, миш-мишлар тарихчилар томонидан доимо бахс-мунозарага учраганига карамай, ҳеч қачон сўнмаган. Энди америкалик тадқиқотчи Австрия архивида унинг янги тасдиғини топганини даъво қилмоқда", деб ёзади Германиянинг Focus журнали.

Ханс Франкнинг хотиралари нашр этилгач, улар шов-шувга сабаб бўлди, дейди журналист Армин Фурер. "Франкнинг таъкидлашича, 1930 йилда Гитлернинг ота томонидан бобоси яхудий бўлганини ва Австриянинг Грац шаҳрида яшаганини аниқлаган. Гўёки Гитлернинг жияни Уилям Патрик Гитлер фюрерга хат ёзиб, бу ҳақида жамоатчиликка айтиб бериш билан таҳдид қилган ва шунинг учун ҳам Гитлер Франкдан адвокат сифатида бу иш билан шугулланишни сўраган", — дейилади мақолада. "Франк текширувлар давомида Гитлернинг бувиси Мария Анна Шиклгрубер ва у унинг оиласида ишлаган Франкенбергер исмли одам ўртасида 1836 йилда ёзилган ёзишмаларга дуч келганини айтди. Хатлардан маълум бўлишича, бу одамнинг 19 ёшли ўғли бор эди ва уй бекаси ундан хомиладор бўлиб қолган (валади зино) Бу ёзишмаларда Франкенбергер ўзининг 14 ёшга тўлгунига қадар бола учун алимент тўлашга тайёрлигини маълум қилган.(...) Гитлер учун муаммо шундаки, Франкенбергер ва, демак, унинг ўғли яхудий эди".

Гитлернинг таржимаи ҳоли билан фаол шугулланган тарихчилар доимий равишда Франкнинг даъволарини шубҳа остига қўйишди, айниқса у тилга олган ёзишмалар архивда ҳеч қачон топилмагани ва 1836 йилда Грацда яхудийлар бўлмагани сабабли. Бирок, бу далилни энди тарихчи эмас, балки шифокор ва гендер масалалари бўйича мутахассис бўлган америкалик тадқиқотчи Леонард Сакс рад этишга уринмоқда, у нуфузли Journal of European History илмий журналида тегишли мақолани чоп этди. Биринчи бўлиб австриялик Николаус фон Прерадович ўша пайтда Грацда ва бутун Штирияда яхудийлар яшамаганлиги ҳақида баёнот берди, деб ёзади нашр. У ўз мақолаларидан бирида, шунингдек, "Грац шаҳри архивидаги қидирувлар 1820 йилдан 1860 йилгача бўлган даврда Грацда Франкенбергер фамилияси бўлган оила умуман йўқлигини аниқ кўрсатди" деди.

Сакс, ўз навбатида, Прерадович "ўнг канот радикал карашлар тарафдори ва Гитлерга койил қолишини" аниқлади. Прерадовичнинг таъкидлашича, яхудийларнинг Грацда яшагани хақидаги биринчи далиллар 1856 йилга тўғри келади. " Сакс 1850 йилда шаҳарда кичик яхудий жамоаси мавжуд бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатни топди" ва шунинг учун тадқиқотчи яхудийлар аввалроқ, яъни 1836 йилда Грацда яшаган деб ҳисоблайди. Расмий равишда, яхудийларга Штирияда яшаш тақиқланган эди, аммо Сакснинг сўзларига кўра, Франкенбергерлар оиласи каби тадбиркорлар Грацда ноқонуний яшаб, у ерда савдо қилган бўлишлари мумкин экан.

"Шундай қилиб, Гитлернинг бувиши яхудий оиласида ишлаб, ундан 23 ёш кичик бўлган Франкенбергердан (зинодан) хомиладор бўлиши мумкин эди. Бу, шунингдек, қария Франкенбергернинг Шиклгруберга ихтиёрий равишда алимент тўлашига сабаб бўлиши мумкин, чунки агар суд жараёни бўлса, у Грацда ноқонуний яшаётгани маълум бўлади, деб қўрққан бўлиши мумкин", - дея хабар беради нашр.

Машхур британиялик мутахассис Ричард Эванс, ўз навбатида, Мария Анна Шиклгрубернинг Грацда яшаганлиги ёки Франкенбергерлар оиласи шаҳарда яшаганлиги хақида ишончли далиллар йўқлигини таъкидлайди. "Эванснинг фикрича, Гитлернинг яхудий бўлиши мумкинлиги хақидаги тахминлар қўпчилик унинг ўта антисемитизмини Гитлернинг шахсий сабаблари бўлганидан бошқа сабаб билан тушунтириб бера олмагани учун пайдо бўлмокда", деб ёзади Focus.

Гитлернинг қонида яхудий ва африкалик илдизлари борлиги аниқланди

Учинчи Рейх раҳбари Адолф Гитлер яхудий ва африкалик илдизларга эга эди. Бу ҳулосага белгиялик тадқиқотчилар Фюрернинг энг яқин қариндошларидан 39 нафарининг тупурик намуналарини олишганидан сўнг маълум бўлди.

Маълум бўлишича, А. Гитлер авлодларининг ДНКси берберлар (Шимолий Африка аҳолиси) ва яхудийларга хос бўлган E1b1b ҳаплогрупасига тегишли.

Аниқлик қиритилишича, гап Y-ДНК гуруҳи, яъни нацистлар етакчисининг эркак авлоддаги аجدодлари хақида кетмокда. Шундай қилиб, А. Гитлер Германияни ва бутун Европани "тозаламокчи" бўлган одамларнинг қонини ташувчиси ўзи бўлиши мумкин экан. Нацизм мафқураси асосчисининг ўзи орий эмас экан.

Илгари, Учинчи Рейх раҳбарининг яхудий қелиб чиқиши хақида миш-мишлар бор эди. Айрим олимлар А. Гитлернинг отаси Алоис Франкенбергер исмли яхудийнинг ўғли, деб тахмин қилишади.

Россия ташқи ишлар вазири Лавров ҳам Гитлернинг яхудий эканини баланд минбарда туриб айтган эди (жанжал бўлган эди).

Абу Муслим